



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2019 йил 8 октябрь, СЕШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 153 (14.000)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТОЖИКИСТОН ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВАКИЛЛАР ПАЛАТАСИ РАИСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 7 октябрь куни Тожикистон Республикаси Олий Мажлиси Вакиллар палатаси раиси Шукржон Зухуров бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонларни қутлар экан, ўзаро ишончга асосланган олий даражадаги мунтазам мулоқотлар икки томонлама ҳамкорликни мисли кўрилмаган юксак даражага кўтаришга хизмат қилганини катта мамнуният билан қайд этди.

Шу муносабат билан Тожикистон парламенти делегациясининг Ўзбекистонга ташрифи қардош мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатлари мустақамлашиб бораётганини ёрқин далилдир.

Юксак мартабали меҳмон, ўз навбатида, Президентимиз Шавкат Мирзиёевга самимий қабул учун миннатдорлик билдирди ҳамда Тожикистон Республикаси Президенти Эмомалӣ Раҳмоннинг саломи ва эзгу тилакларини етказди.

Учрашувда ўзаро алоқалар барча даражада фаоллашгани қайд этилди.

Ўзаро товар айирбошлаш ҳамми ортоқда, саноат, энергетика, транспорт, қишлоқ хўжалиги ва

бошқа йўналишларда кооперация лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Чегарадош ҳудудлар ўртасида, маданий-гуманитар соҳада алмашинувлар кенгаймоқда.

Парламентлараро алоқаларни мустақамлашга муҳим аҳамият қаратилмоқда.

Олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш мақсадида кўмиталар ва парламентлараро гуруҳлар даражасида яқиндан ҳамкорликни йўлга қўйиш муҳимлиги таъкидланди.

Учрашув сўнгиде Шукржон Зухуров Тожикистон парламенти қардош мамлакатларимиз ва халқларимиз манфаатлари йўлида дўстлик ва стратегик шерикликни янада мустақамлашга ҳар томонлама қўмақлашишга тайёр эканини таъкидлади.

Тожикистон Олий Мажлиси Вакиллар палатаси раиси жорий йил декабрь ойида мамлакатимиз парламентида сайловлар муваффақиятли ўтишини тилади.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ РОССИЯ ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 7 октябрь куни Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан телефон орқали мулоқот қилди.

Сўхбат аввалида давлатимиз раҳбари россиялик ҳамкасбини тугилган кун билан самимий муборакбод этиб, унга мустақам соғлиқ, бахт-саодат ва катта зафарлар тилади.

Президент Владимир Путин раҳбарлигида Россиянинг барқарор тараққиёт таъминланаётгани, аҳоли фаровонлиги муттасил ошиб, мамлакатнинг халқро майдондаги ўрни ва нуфузи мустақамлаётгани таъкидланди.

Томонлар Ўзбекистон – Россия стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари изчил ривожланиб бораётгани, бугунги кунда улар сифат жиҳатидан янги мазмун билан бойганини катта мамнуният билан қайд этди.

Давлат раҳбарлари эришилган келишувлар ва имзоланган битимларни ўз вақтида амалга ошириш, ўзаро савдо ҳажмини кўпайтириш, инвестиция, фан-техника, транспорт-логистика, қишлоқ хўжалиги ва бошқа устувор соҳаларда ҳамкорликни кенгайтириш муҳим эканига эътибор қаратдилар.

Президентлар самарали парламентлараро, ҳудудлараро ва маданий-гуманитар алоқаларни давом эттириш зарурлигини таъкидладилар.

Халқро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди, шунингдек, бўлажак олий даражадаги тадбирлар режаси кўриб чиқилди.

Мулоқот сўнгиде давлат раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасидаги дўстлик ва кўп қиррали шерикликни мамлакатларимиз ва халқларимиз фаровонлиги йўлида янада мустақамлаш борасида интилишлари қатъий эканини тасдиқладилар.

ЎЗА

ФОНД БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 7 октябрь куни фонд бозорини ривожлантириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Қимматли қозғолар бозори иқтисодийдаги бўш пул маблағларини жаллаш ва уни инвестиция жараёнига йўналтиришнинг муҳим воситасидир. Бу борадаги ислохотларнинг дастлабки босқичи сифатида жорий йил бошида Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги тузилди. Давлат облигациялари фонд бозорига қайта чиқарилди.

Лекин қимматли қозғолар чиқариб, уларни фонд бозорига сотиш механизмидан самарали фойдаланилмапти. Фонд бозоридеги акцияларнинг жами қиймати 25 триллион сўм бўлиб, ялпи ички маҳсулотга нисбатан 6 фоизга ҳам етмайди. Ваҳоланки, бу кўрсаткич Сингапурда 188 фоиз, Малайзияда 112 фоиз, Россияда 34 фоизни ташкил этади.

Мамлакатимизда жорий йилда чиқарилган давлат облигациялари валюта биржаси орқали фақатгина тижорат банкларига сотилган. Фонд бозорининг профессионал иштирокчилари сони юзтагаям бормапти. Шу боис 2020–2025 йилларда фонд бозорини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш режалаштирилган. Эркин муомаладаги жами қимматли қозғоларнинг ялпи ички маҳсулотга нисбатини 2025 йил охирига қадар камида 10–15 фоизга етказиш мўлжалланган.

Йиғилишда бунинг учун амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Бугунги кунда бу соҳа 100 га яқин норматив ҳужжатлар билан тартибга солиниб, кўплаб чекловлар ўрнатилган. Масалан, ривожланган давлатларда банklar фонд бозорининг фаол иштирокчиси ҳисобланади, юртимизда эса банklarга бошқа субъектларнинг акцияларини бирламчи бозорда харид қилиш тақиқланган.

Давлатимиз раҳбари қўнун ҳужжатларини қайта кўриб чиқиб, ортиқча чекловларни бекор қилиш ва фонд бозоридеги ишлашни соддалаштириш зарурлигини таъкидлади.

Бугунги кунда 605 та давлатдорлик жамияти акцияларининг 85 фоизи акцияга тегишли. Шундан 105 та жамиятнинг атиги 5 фоиз акцияси фонд

бозориде иштирок этмоқда. Жаҳон амалиётидан келиб чиқиб, капитал бозориде муомалада бўлган қимматли қозғолар турларини кўпайтириш бўйича топшириқлар берилди.

Қимматли қозғоларга бўлган талабни кўпайтириш, хоржий биржа, брокер ва банкларни мамлакатимиз фонд бозорига жалб этиш чоралари йўналтириш, банklarга бирламчи бозорда юқори ликвидли қимматли қозғоларни харид қилиш учун рўхсат бериш масалалари кўриб чиқилди.

Инвесторлар ва миноритар акциядорлар ҳуқуқи ҳимоясини кучайтириш, дивиденд тўлаш ва ундиришни тақомиллаштириш зарурлиги таъкидланди. Бундан ташқари, корпоратив бошқаруви ривожлантириш, халқро молиявий ҳисобот ва халқро аудит стандартларига ўтиш бўйича топшириқ берилди.

Соҳа ривожига мутахассислар малакаси ва аҳолининг бу борадаги саводхонлигига ҳам боғлиқ. Бугунги кунда юртимизда тегишли малака гувоҳномасига эга атиги 300 нафар мутахассис бор. Ривожланган мамлакатларда бу соҳада минглаб кишилар ишлайди.

Шу боис Капитал бозорини ривожлантириш агентлигига Тошкент молия институтининг тегишли кафедрасини ортиқча олган ҳолда, илғор хоржий муассасалар билан ҳамкорликда кадрлар малакасини ошириш ва талабаларни ўқитиш вазифаси қўйилди.

Фонд бозоридеги ўзгаришлар ҳақида кўпроқ ахборот бериб бориш, аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш масаласига ҳам эътибор қаратилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасаддиларнинг ахбороти тингланди ва амалга ошириладиган устувор вазифалар белгилаб олинди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қароридан кўчирма

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗУВЧИ САЙЛОВ ОКРУГЛАРИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 9, 14 ва 16-моддаларига асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ўтказувчи қуйидаги сайлов округлари тузилсин:

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

139-Оқтепа сайлов округи

(Маркази — Тошкент шаҳри, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети биноси).

Учтепа тумани: "Дегрез", "Боғичинор", "Қорёғли", "Бекобод", "Истирохот", "Ўткир", "Жарбулак", "Зулфизар", "Ибрат", "Шарқ юлдузи", "Нишабарик", "Кўркамобод", "Хондамир", "Хуршид", "Бешқайрағоч", "Журжоний", "А.Қодирий", "Шофайзйобог", "Шарқ гули", "Давлатобод", "Чаманзор", "Хожибобод", "Оқмачит", "Қуйи Дархон", "Латифгузар", "Учтепа",

"Кўкча Оқтепа", "Пахтакор", "Чўпон ота", "Тақачи", "Ю.Саққокий", "Уриқзор", "Зарафшон", "Кўксарой", "Катта Қазни", "Фозилтепа", "Хайратий", "Шафтолизор", "Қўҳна Чўпон ота", "Богистон", "Богобод", "Бирлик", "Найман", "Тинчликбод", "Фарход", "Ватан", "Ватанпарвар", "Нуробод" маҳалла фуқаролари йиғинлари чегараларида (128,1).

140-Дархон сайлов округи

(Маркази — Тошкент шаҳри, Тошкент шифоқорлар малакасини ошириш институти биноси). Мирзо Улуғбек тумани: "Турон", "Олтинтепа",

(Давоми 2-бетда)

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР ВА ТУМАН КЕНГАШЛАРИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ САЙЛОВ ОКРУГЛАРИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси 9 ва 20-моддалари, туман Кенгашларининг қарорларига мувофиқ, халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва туман Кенгашларига сайлов ўтказувчи шаҳар ҳамда туман сайлов комиссияларининг навбатдаги йиғилишлари ўтказилди.

Ушбу йиғилишларда халқ депутатлари туманлар Кенгашларининг "Халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва туман Кенгашларига сайлов ўтказувчи сайлов округларининг чегаралари ҳақида"ги қарорлари маълумот учун қабул қилинди.

Тошкент шаҳар ва туман сайлов округларининг сони ва чегаралари, сайловчилар сони, ҳудуд ва бошқа маҳаллий шароитлардан келиб чиққан ҳолда белгиланди.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи 60 та ва Тошкент шаҳрининг туман Кенгашларига сайлов ўтказувчи 327 та сайлов округлари тартиби, чегаралари ва сайловчилар сони, ҳудудлари ҳақидаги маълумотлар www.toshkent.uz сайтга жойлаштирилди.

Тошкент шаҳар ва туман сайлов комиссиялари

ИМЗО ВАРАҚАЛАРИ ЭКСПЕРТЛАР ТОМОНИДАН БЕШ КҮН МУДДАТДА ТЕКШИРИЛАДИ

Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи сайлов округларини ҳамда сиёсий партиялар томонидан тақдим этилган имзо варақаларининг тўғри тўлдирилганини текширувчи эксперт гуруҳларини тузиш каби масалалар кўриб чиқилди.

Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзо-Улуғбек Абдусаломовнинг қайд этишича, Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ўтказиш учун 150 ҳудудий сайлов округи тузилади. Ҳар бир сайлов округидан битта депутат сайланади. Олдин-

ги сайловларда Экоҳаракат депутатлар гуруҳига 15 ўрин квоталангани сабабли 135 та сайлов округи тузилади.

Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ўтказиш бўйича сайлов округлари Қорақалпоғистон Респуб-

ликаси Жўқорғи Кенгесининг, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг тақдимномасига биноан Марказий сайлов комиссияси томонидан тузилади.

(Давоми 2-бетда)

ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ИШБИЛАРМОНЛАРИ ТОШКЕНТДА ЙИГИЛДИ

Пойтахтимизда Туркий тилли давлатлар Ишбилармонлар кенгаши мажлиси ҳамда Инвестиция ва бизнес форуми бўлиб ўтди.

Мазкур анжуманлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил сентябрь ойида кенгашининг Чўпонота шаҳрида бўлиб ўтган саммитида илгари сурилган ташаббуси доирасида илк бор ташкил этилди. Тадбирда Туркий кенгашга аъзо мамлакатлар ишбилармон доираларининг 300 нафарга яқин,

шунингдек, Ўзбекистон томонидан вазирлик ва идоралар, тадбиркорлик субъектларининг 200 дан ортиқ вакили иштирок этди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси Адҳам Икромов меҳмонларни қутларкан, Туркий кенгаш аъзо давлатлар ўртасида амалий ҳамкорликни, биринчи навбатда, савдо, инвести-

ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОЙ ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ ИЖРОСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 7 октябрь куни хоржий мамлакатлар билан эришилган келишувлар ижроси, янги инвестициявий ва ижтимоий-иқтисодий лойиҳалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Дастлаб Бирлашган Араб Амириклири билан ҳамкорликдаги инвестиция лойиҳаларининг ижроси кўриб чиқилди.

Жорий йил март ойида давлатимиз тарафидан Японияга ташрифи режалаштирилган бўлиб, унга тайёргарлик доирасида Токио билан энергетика, транспорт, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш соҳаларида бўйича апрель ойида "Йўл харитаси" ишлаб чиқилган эди.

Ундан кўнлаб истикболли лойиҳалар ўрин олган. 300 миллион доллар эвазига Самарқанд шаҳри инфратузилмасини ривожлантириш, Навоий вилоятида 200 миллион долларлик шамол ва 150 миллион долларлик қўвб электр станциялари қуриш, 203 миллион доллар эвазига Сирдарё вилоятида целлюлоза, омухта ем ва қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи агроасаноат кластери ташкил этиш лойиҳалари шулар жумласидандир.

Мутасаддилар инвестиция ўзлаштирилиши бошланган лойиҳалар ижросининг боришини бўйича ҳисобот берди. Шунингдек, нефть-газ, кимё, энергетика, мева-сабзавотларни қайта ишлаш соҳаларидаги истикболли лойиҳалар муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари бу борадаги ишларнинг, қурилажак завод ва корхоналарнинг иқтисодий ва ижтимоий аҳамиятига эътибор қаратиб, уларни тез ва пухта амалга ошириш лозимлигини таъкидлади. Янги лойиҳалар бўйича музокараларни янгилаш, қурилиш ишларини бош-

лаш бўйича тегишли топшириқ-килот ва ҳудудларда режалаштирилган проноз бажарилмагани қайд этилди. Йил якунига қадар бу борадаги қолоқликни бартараф этиш, барча тармоқ ва ҳудудлар бўйича экспорт пронозини бажариш юзасидан топшириқлар берилди.

Йиғилишда Қўқон ва Марғилон шаҳарларини 2020–2022 йилларда комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури ҳам муҳокама қилинди. Дастурга мувофиқ, Қўқон шаҳрида умумий қиймати 420 миллион долларлик 250 та, Марғилон шаҳрида 192 миллион долларлик 172 та лойиҳа амалга оширилиши белгиланган.

Ижратилаётган инвестициялар ушбу шаҳарлар инфратузилмасини ривожлантириш, ижтимоий шароитларни яхшилаш ва янги турар жойлар қуришга йўналтирилади. Президентимиз мазкур уч йўналиш бўйича Марғилон шаҳарларини хар томонлама янгилаш, одамлар хаёт сифатини оширишга муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Тошкент шаҳрида ўтказилган Туркий тилли давлатлар Ишбилармонлар кенгаши ва инвестиция форуми якунларига ҳам эътибор қаратилди.

Авал берилган топшириқлар ижроси юзасидан мутасаддиларнинг ахбороти тингланди ва келгусида амалга ошириладиган устувор вазифалар белгилаб олинди.

ЎЗА

ётни либераллаштириш, ишбилармонлик ва сармоявий муҳитни яхшилаш борасида олиб борилаётган кенг қўламли ишларни юқори баҳолади.

Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши ўз атрофида туркий давлатларни бирлаштирган йирик халқро ташкилотдир. Тузилманинг асосий мақсади аъзо мамлакатлар ўртасида хар томонлама ҳамкорликни ривожлантиришдан иборат.

Айни пайт кенгашга тўрт давлат – Озарбайжон, Қозғистон, Қирғизистон ва Туркия аъзо. Венгрия кузатувчи мақомига эга. Ташкилот таркибига Истанбулда жойлашган Давлат раҳбарлари кенгаши, ташқи ишлар вазирлиги кенгаши, юқори мартабали шахслар кўмитаси, Туркийзабон давлатлар оқсоқлар кенгаши ва котибият кирди.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қароридан кўчирма

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗУВЧИ САЙЛОВ ОКРУГЛАРИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

141-Темирйўлчилар сайлов округи

(Марказ — Тошкент шаҳри, М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент шаҳридаги филиали биноси).

Миробод тумани: "Ш.Рашидов", "Афросиёб", "Ойбек", "Мовароуннахр", "Салар", "Минг ўрик", "Ат Термизий", "Лолазор", "Фаровон", "А.Авлоний", "Миробод", "Янги Миробод", "Байналмилал", "Темирйўлчилар", "Заминобод", "Биродарлик", "Наврўз", "Истиклолобод", "Янги замон", "А.Фитрат", "Фуркат", "Тонг юлдузи", "Сарикўл", "Олтинкўл", "Қорасув", "Файзиобод", "Чинор", "Толарик", "Зиёнур", "Юксалиш", "Билимдон", "Парвоз", "Оқ уй", "Янги Кўйлик", "Банокатий", "Баёт", "Баратхўжа", "Кўйлик ота" маҳалла фуқаролар йиғинлари чегараларида;

Бектемир тумани: "Махнунтол", "Миришкор", "Роҳат", "Зилола", "Иқбол", "Чашма", "Х.Бойқаро", "Абай", "Бектемир", "Олтинтопан", "Нурафшон", "Бинокор" маҳалла фуқаролар йиғинлари чегараларида;

Яшнобод тумани: "Катта Кўйлик", "Мумтоз", "Кўйлик-обод", "Уйсозлар", "Урта масжид", "Иқбол" маҳалла фуқаролар йиғинлари чегараларида (135,1).

142-Қорақамиш сайлов округи

(Маркази — Тошкент шаҳри, Турин политехника университети биноси).

Олмазор тумани: "Шифокорлар", "Жийдали", "Хислат", "Оқтепа", "Беруний", "Мирза Ғолиб", "Зиё", "Университет", "Шодиёна", "Олимпия", "Ёшлик", "Мустақиллик", "Чаманбоғ", "Шон-шухрат", "Телагузар", "Табасум", "Юқори Бешкўрғон", "Нихол", "Ғалаба", "Мойжарик", "Аҳил", "Умид", "Янги Тошкент", "Гулзор", "Иброҳим ота", "Чуқурсой", "Гулсарой", "Истиқбол", "Пахта", "Бўстобод", "Кичкирик", "Ф.Аъзамов", "Олтинсой", "Ислом ота", "Тараққиёт", "Мискин", "Орзу", "Чимбой" маҳалла фуқаролар йиғинлари чегараларида (127,8).

143-Саноат сайлов округи

(Марказ — Тошкент шаҳри, Тошкент стоматология институтини биноси).

Яшнобод тумани: "Баркамол", "Яшнобод", "Бирлашган", "Парвоз", "Дилбоғ", "Наврўзобод", "Авиасозлар", "Асалобод", "Илтифот", "Бунёдкор", "Янги давр", "Жаркўрғон", "Янгиқўрғон", "Бехизор", "Шоҳимардон", "Нодира", "Шоҳсанам", "Ойдинкўл", "Янгинон", "Донишманд", "Тарнов", "Катта Янгиобод", "Хосиятли", "Махмур", "Алимкент", "Жўрабек", "Беш бола", "Аҳмад Яссавий", "Бойсун", "Мухтор Ашрафий", "Кўксарой", "Маърифат", "Ширинобод", "Тўй тепа", "Семурғ", "Чўлпон", "Фидойилар", "Бойкўрғон", "Машинасозлар", "Истиқлол", "Дўстобод", "Ал Бухорий", "Амир Темур", "Ватандош", "Тонг Моҳирун", "Тузель", "Гўзан", "Олмос", "Фазогир", "Бешарик", "Уқчи Олмазор" маҳалла фуқаролар йиғинлари чегараларида (133,6).

144-Дўмбиробод сайлов округи

(Марказ — Тошкент шаҳри, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетини биноси).

Чилонзор тумани: "Чўпон ота", "Қатортол", "Кўтарма", "Навбахор", "Шухрат", "Хирмонтепа", "Катта Хир-

монтепа", "Хайробо", "Хонтўпи", "Шарқ тонги", "Шарқ", "Шароф", "Баҳористон", "Гулистон", "Ал Хоразмий", "Бек тўпи", "Бешкўрғон", "Тирсақобод", "Гавҳар", "Дўмбиробод", "Катта Дўмбиробод", "Яккабоғ", "Нақшошлик", "Мевазор", "Бўрижар", "Яккатўт", "2-Қатортол", "Кичик Хирмонтепа", "Ботирма", "Меҳрижон", "Фидокор", "Заркўрғон", "Катта Қозиробод" маҳалла фуқаролар йиғинлари чегараларида;

Утепа тумани: "Қозигузар", "Гузар-Ға", "Кўрғонтепа", "Тепакўрғон", "Хуросон", "Заргарлик", "Ҳамдўст", "Ширин", "А.Соғуний", "Дийдор", "Янги йўл", "Дийробо", маҳалла фуқаролар йиғинлари чегараларида (127,1).

145-Бодомзор сайлов округи

(Марказ — Тошкент шаҳри, Мухаммад Ал Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети қошидаги академик лицей биноси).

Юнусобод тумани: "Ақбаробод", "Беғубор", "Боғибўстон", "Бодомзор", "Бўзсув", "Буюк Турон", "Қадрдон", "Қашқар", "Меҳнатобод", "Мирзо Улуғбек", "Обод", "Оқтепа", "Отчопар-1", "Отчопар-2", "Посира", "Фирдавсий", "Хибонтелпа", "Шайх Шивлий", "Юнусобод", "Минор", "Янгитарнов", "Матонат" маҳалла фуқаролар йиғинлари чегараларида;

Мирзо Улуғбек тумани: "Оқибат", "Шахрисабз", "Нур", "Мустақиллик", "Асака", "Лашкарбеги", "Мирзакалон Исмоилий", "Х.Олимжон", "Дархон", "Оқкўрғон", "Буюк Ипак йўли", "Сайрам", "Бўз", "Олий ҳиммат", "Олимлар", "Навиҳол", "Шахриобод", "Х.Абдуллаев" маҳалла фуқаролар йиғинлари чегараларида (125,0).

146-Астрообод сайлов округи

(Маркази — Тошкент шаҳри, Тошкент архитектура ва курилиш институти биноси).

Юнусобод тумани: "Адолат", "Анорзор", "Астрообод", "Аҳмад Дониш", "Ахилобод", "Биллур", "Бободехқон", "Боғишамол", "Боғи Эрам", "Ғайратий", "Жомий", "Исломобод", "Йўларик", "Ифтихор", "Катта Ҳасанбой", "Кулолқўрғон", "Кўшчинор", "Мингчинор", "Мурувват", "Нурмакон", "Собириобод", "Тикланиш", "Туркистон", "Турккўрғон", "Увайсий", "Ўзбекистон Мустақиллиги", "Уста Ширин", "Уч Қаҳрамон", "Ҳалқабоб", "Хусниобод", "Ҳамкоробод", "Ҳасанбой", "Севинч", "Шарқ ҳақиқати", "Шаҳристон", "Шоштепа", "Юнусота", "Юртобод", "Янги арик", "Янги ҳаёт", "Янгибоб" маҳалла фуқаролар йиғинлари чегараларида (125,1).

147-Тўқимачи сайлов округи

(Марказ — Тошкент шаҳри, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети биноси).

Яккасарой тумани: "Ракат", "Ю.Ражабий", "Дилбулоқ", "Яккасарой", "Беларик", "Қушбеги", "Бобур", "Дам арик", "Ракатбой", "Тўқимачи", "Муқимий", "Мерос", "Бошлик", "Армуғон", "Конституция", "Боғсарой", "Х.Сулаймонов", "А.Қаҳор", "Шоҳжаҳон", "Тепа", "Мухандислар" маҳалла фуқаролар йиғинлари чегараларида;

Чилонзор тумани: "Катта Олмазор", "Бешёғон", "1-Чарх Камолон", "2-Чарх Камолон", "3-Чарх Камолон", "Чилонзор", "1-Катта Чилонзор", "2-Катта Чилонзор", "3-Катта Чилонзор", "Халқлар дўстлиги", "Дилобод", "Бешчинор", "Оқтепа", "Луғфий", "Боғзор", "Нафосат", "1-

Қатортол", "Новза" маҳалла фуқаролар йиғинлари чегараларида (126,4).

148-Кўкча сайлов округи

(Марказ — Тошкент шаҳри, Тошкент меҳмонхона хўжалиги ва сервис касб-хунар коллежи биноси).

Шайхонтоҳур тумани: "Белтепа", "Янги Белтепа", "Ибн Сино", "Катта Жарарик", "Янги Жарарик", "Шодлик", "Бўстон", "Эски Жарарик", "Ипакчи", "Ўзбекистон", "Хувайдо", "Зафаробод", "Илғор", "Жарарик", "Кўкча", "Тинчлик", "Обиназор", "Янгишаҳар", "Маннон Уйғур", "Шофайзи", "Каттаҳовуз", "Чарх Новза", "Самарқанд дарвоза", "Янгиобод", "Камолон дарвоза", "Зангиота", "Эшонгузар", "Каттабоғ", "Камолон", "Янги Камолон", "Кўкча дарвоза", "Катта Оқтепа" маҳалла фуқаролар йиғинлари чегараларида (128,7).

149-Кўйлик сайлов округи

(Марказ — Тошкент шаҳри, 21-сонли болалар мусика ва санъат мактаби биноси).

Сергели тумани: "Ўзгарин", "Ҳабибий", "Меҳриге", "Бунёдобо", "Мадакдор", "Зинат", "Эзгулик", "Янги Сергели", "Соҳибқирон", "Кубайтепа", "Ногайқўрғон", "Жўнарик", "Чоштепа", "Софдил", "Олчазор", "Навқирон", "Нилуфар", "Иттифок", "Нурхаёт", "Саховат", "Сўғдиёна", "Кипчак", "Ал Фароний", "Викор", "Йўлдош", "Ёрқин ҳаёт", "Чорбоғ", "Чароғон", "Дўстлик", "Дарё бўйи", "Хонобод", "Қурувчилар", "Шукрона", "Халқобод", "Зиёкор", "Маданият", "Учувчилар", "Олтин водий", "Қумарик", "Аср-обод", "Кўшкўрғон", "Ташаббус", "Янги умид", "Хумо", "Янги Чоштепа", "Паст Дархон", "Юқори Дархон" маҳалла фуқаролар йиғинлари чегараларида (135,2).

150-Шайхонтоҳур сайлов округи

(Марказ — Тошкент шаҳри, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги Шайхонтоҳур академик лицейи биноси).

Шайхонтоҳур тумани: "Бокўча", "Гуллобод", "Сархумдон", "Оқилон", "Олим Хўжаев", "Чақар", "Сузуқта", "Чорсу", "Қоратош", "Гулбозор", "Олмазор", "Ўрда", "Ўқчи", "Хадра", "Жангоҳ", "Қоқта", "Лабзак", "Тахтапун", "Шайхонтоҳур" маҳалла фуқаролар йиғинлари чегараларида;

Олмазор тумани: "Чилтўғон", "Хончорбоғ", "Қорасарой", "Гуручарик", "Ҳазрати Имом", "Юқори Себзор", "Намуна", "Янги Себзор", "Себзор", "Ҳастимом", "А.Шоший", "Х.Қўҳақий", "Эски шаҳар", "Қўштут", "Гузарбоши", "Ачаобод", "Аллон", "Қўёш", "Ч.Дарвоза", "Чустий" маҳалла фуқаролар йиғинлари чегараларида (126,8).

2. Мазкур қарор Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталарида, шунингдек, маҳаллий матбуотда эълон қилинсин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари М.Истамов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Раиси М.АБДУСАЛОМОВ

Тошкент шаҳри, 2019 йил 7 октябрь



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Тошкент вилояти Бекобод шаҳрида "Бизга тўлиқ ақли тиббиёт керак" мавзусида тадбир ўтказилди. Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси вилоят кенгаши томонидан "Металлургия" маданият саройи олдидаги майдонда янгича услубда ўтказилган тарғибот тадбири доирасида маданий-кўнгилочар акциялар уюштирилди. Тадбир ўтказилиши ҳақида ОАВ ва ижтимоий тармоқлар орқали аҳоли хабардор этилгани иштирокчилар сонини кескин ошириб юборди. Шу боис тадбирда ёш-у кексалар ҳамда бошқа вилоятлардаги партия аъзолари ҳам иштирок этди.

● Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан 2019 йилдан бошлаб ҳар йили октябрь ойининг биринчи ҳафта-си "Кексалар ҳафталиги" этиб белгиланди. Ҳафталик доирасида Андижоннинг гўзал ва хушманзара гўшаси – Хонобод шаҳрида тадбир ташкил этилди. Вилонинг барча туман ва шаҳарларидан тақлиф этилган ёш улуг инсонлар, вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожига муносиб ҳисса қўшган фидойий фахрийларга иззат-иқром кўрсатилди.

● Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат академик мусикали театри "Гулоим" операсининг премьераси бўлиб ўтди. "Қирққиз" достони асосида Ўзбекистон ва Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Нажимдин Мухаммаддинов томонидан бастанланган операнинг либретто муаллифи Қорақалпоғистон халқ шоири Гулистон Матёқубовадир. Опера санъати тарихида илк бор халқ достонларини кўйлаган бахши ва жировлар маҳорати симфоник оркестрга ҳамроҳанг жаранлаган 3 акти, 11 картинали эпик опера ўша даврнинг кўриниши, жировнинг "Қирққиз" достонини кўйлаши билан бошланади.

● Андижонда "Ўзум этиштиришда илғор технологиялар" мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг "Тараққиёт" дастури ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида "Фаргона водийси фермерларининг иқлим ўзгариши хатарларига мослашиши ва фаолияти барқарорлигини ошириш" лойиҳаси доирасида ташкил этилган тадбирда узумчилик йўналишидаги фермер хўжалиқлари раҳбарлари, шахший томорқа эгалари, уларга хизмат кўрсатувчи ташкилотлар вакиллари иштирок этди.



● Олимлар турли давлатларнинг узок умр кўрувчи инсонлари рационини ўрганиб, уларнинг узок умр кўриши ва фойдали маҳсулотлар истеъмол қилиши ўртасидаги қонуниятни аниқлашди. Пархезшунос Марият Муханининг сўзлашича, гап антиоксидантлар – ДНКни барбод қилувчи ва хужайралар ўлишига қўмак берувчи эркин радикалларга қарши курашувчи моддаларга эга озик-овқат маҳсулотлари ҳақида бормоқда. Таркибида антиоксидантларнинг кўплиги бўйича кўк оғи етакчилик қилади. У сийдик ҳайдовчи восита ва моддалар алмашинуви катализатори ҳисобланади. Кейинги ўринлари хурмо ва чаканда (облепиха) эгалламоқда. Хурмо таркибида 23 та аминокислота, жумладан триптофан моддаси бор бўлиб, у руҳиятни барқарорлаштириб, кайфиятни яхшилайдди. Чакандада катта миқдорда А витамини бор бўлиб, у кексайшни секинлаштириди ва организмнинг иммунитетини яхшилайди. Кейинги ўринлари ўсимталарга қарши фаолиятка эга моддалар – антоцианга эга черника ва лиқонин моддаси эвазига организмни меъридан кўп овқат ейиш ва вазн тўплашдан қутқарувчи помидор эгаллаган. Пархезшунос умрини узайтирувчи маҳсулотлар қаторига сут-қатик маҳсулотларини ҳам киритган. Улар таркибига фойдали аминокислоталар, витаминлар ва кальций кирлади.

● Антарктидада 115 миллиард тонналик айсберг муз тоғларидан ажралиб чиқиб, эркин ҳаракатлана бошлади. Бу кейинги 50 йил ичидаги музликлардан ажралиб кетган энг йирик айсберг бўлиб, у яқин атрофдаги кемаларнинг ҳаракатига халал бериши мумкин.

● Тошкент шаҳар ҳокимлигида "Ҳар бир оила – тадбиркор" дастурининг пойтахтимизда қандай ижро этилаётганлигига бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.

● Шаҳримизда 9-10 октябрь кунлари "Яшил технологиялар, атроф-муҳит муҳофазаси ва утиллантириш – GET Central Asia 2019" 2-Марказий Осиё халқаро кўргазмаси ва бизнес-форуми ўтказилди.

● Пойтахтимиз метрополитенида Интернетдан фойдаланиш имкони яратилди.

● Олмазор туманидаги 441-сонли мактабча таълим муассасаси тўлиқ реконструкция қилинди.

ИМЗО ВАРАҚАЛАРИ ЭКСПЕРТЛАР ТОМОНИДАН БЕШ КҮН МУДДАТДА ТЕКШИРИЛАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ўтказиш бўйича сайлов округлари чегаралари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг маҳаллий-хўжалиқ тўлиқлиги инноватда бўлишидан келиб чиқиб, ҳар бир сайлов округидан ўртача сайловчилар сони 137 миң 279 га тўғри келмоқда. Ҳар бир сайлов округи тенг сайловчиларга бўлинапти. Олдинги сайловларда баъзи бир округлар 20-30 фоиз кўп сайловчиларга эга бўлар эди.

Сайлов кунига қадар мамлакатимизда овоз бериш ҳужукига эга сайловчиларнинг умумий сони тахминан 20 миллион 600 миң атрофида бўлишидан келиб чиқиб, ҳар бир сайлов округидан ўртача сайловчилар сони 137 миң 279 га тўғри келмоқда. Ҳар бир сайлов округи тенг сайловчиларга бўлинапти. Олдинги сайловларда баъзи бир округлар 20-30 фоиз кўп сайловчиларга эга бўлар эди.

Сайлов кодексига белгиланган нормалар доирасида маҳаллий Кенгашларга сайлов ўтказиш учун сайлов округлари сони тегишли маҳаллий Кенгаш томонидан аҳоли, сайловчилар сони, ҳудуд ва бошқа маҳаллий шароитлардан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Сайлов округларини тузишда сайлов округларидан сайловчилар сонининг йўл қўйилмаган энг кўп четта қилиши, қонда тарихида, 10 фоиздан ошмаслиги керак.

Сайлов округларининг рўйхатлари уларнинг чегаралари, сайловчилар сони ва округ сайлов комиссияларининг жойлашган ери кўрсатилган ҳолда сайловдан ка-

мида 75 кун олдин тегишли сайлов комиссияси томонидан эълон қилинади.

Маҳаллада комиссия аъзолари сиёсий партиялар томонидан тақдим этилган имзо варақаларининг тўғри тўлдирилганини текширувчи Эксперт гуруҳларини тузиш масаласини ҳам кўриб чиқди.

Сиёсий партиялар тақдим этган имзо варақаларининг тўғри тўлдирилгани Марказий сайлов комиссияси томонидан 5 кунлик муддатда текширилади. Сайловчилар имзолари зарур сонининг камида 15 фоизи ва имзо варақаларига имзоларини кўйган сайловчилар тўғрисидаги тегишли маълумотлар текширилиши лозим.

Марказий сайлов комиссияси имзо варақалари тўғри тўлдирилганини текширувчи Эксперт гуруҳини тузиши мумкин. Эксперт гуруҳи таркибига ички ишлар, адлия органларининг мутахассислари, шунингдек, фуқаролик жамияти институти вакиллари ҳам қўйилади. Имзо варақаларини текширишда сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари иштирок этади.

Агар Марказий сайлов комиссияси томонидан танлаб олинган имзо варақаларининг чорак қисмидан кўпрогини текшириш натижасида имзо варақалари қонун бузилган ҳолда тузилгани аниқланса, мазкур имзо варақалари сиёсий партиянинг ваколатли вакилига қайтарилди ва унга камчиликларни бартараф этиш учун икки кунлик муддат берилди.

Кўллаб-қувватловчи шикларнинг (сайловчиларнинг) имзолари сони белгиланган энг кам миқдордан яна оз бўлиб қисса, мазкур имзо варақалари тўлиқича ҳажийки эмас, деб топилди. Бундай вазиятда Марказий сайлов комиссияси сиёсий партияга сайловда иштирок этиш ҳуқуқини рад этиди.

Нурилло НАСРИЕВ

ТҲРКЎЙ ДАВЛАТЛАР ИШБИЛАРМОНЛАРИ ТОШЕНТА ЙИГИЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

– Мамлакатимизни туркий тили давлатлар билан кўп асрлик тарих боғлаб туради, – дейди анжуманда қузатувчи сифатида қатнашаётган давлат – Венгрия вакили, Будапешт Савдо-саноат палатаси бошқаруви аъзоси Йозеф Ковач. – Биз ўшуб минтақани, хусусан, Ўзбекистонни ўзимиз учун ҳар томонлама яқин ҳамкор сифатида эътирф этишимиз. Кенгаш доирасидаги тадбирларда қузатувчи мақомида иштирок этган давримизда Венгрия учун жуда кўп имкониятлар очилди. Яқин орада ташкилотнинг тўлақонли аъзоси бўлишдан умидворимиз.

Будапешт Савдо-саноат палатаси ўтган асрининг 50-йилларида ташкил этилган бўлса-да, фақат сўнги 15 йилда ривожланиш босқичига кўтарилди. Туркий тили давлатлар ҳамкорлик кенгаши аъзолик биз учун тараққиётнинг янги саҳифасини очиши, шубҳасиз.

Кенгаш аъзоларининг бу галги учрашувида аъзо давлатлар ташкилотлари ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорликни, ишбилармонлик алоқаларини янада ривожлантириш, савдо, саноат ва тадбиркорлик соҳаларида минтақавий муносабатларни мустақамлаш масалалари муҳокама қилинди. Туркий савдо палаталари фаолиятининг асосий йўналишлари белгилаб олинди.

Мажлисда кенгаш фаолияти аъзо мамлакатларнинг минтақаларо ҳамкорлигини кенгайтиришга йўналтирилгани қайд этилди.

Томонлар Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг Туркий Савдо палатаси аъзолигига кириши масаласини муҳокама қилди. 2019 йил 14-15 октябрь кунлари Озарбайжон пойтахти Боку шаҳрида бўлиб ўтадиган Туркий кенгашининг 7-саммити доирасидаги Туркий Савдо палатаси аъзолари йиғилишида тегишли кўп томонлама меморандум имзоланиши режалаштирилган.

Ўзбекистоннинг кенгаши аъзо бўлиши савдо ва инвестициялар учун қулай шарт-шароит яратишга, маҳсулот, капитал, хизмат ва технологияларнинг эркин ҳаракатланишига босқичма-босқич ўтиш учун боғжона ва транзит тартиб-қоидаларини, молия-банк амалиётини соддалаштиришга хизмат қилиши таъкидланди.

Туркий кенгаш раҳбариятининг фикрича, Ўзбекистоннинг ўшуб ташкилотга кириши тарихий воқеа. Бу кенгаш фаолиятини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади, туркийзабон давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни янги босқичга кўтаришга ёрдам беради.

Жорий йил 14 сентябрь кунини Ўзбекистон Туркий тили давлатлар ҳамкорлик Кенгашининг тизимини ратификация қилди. Шу билан мамлакатимиз ташкилотнинг тўла ҳуқуқли аъзосига айланди.

Ишбилармонлар кенгаши йиғилиши доирасида Инвестиция ва бизнес форуми ҳам бўлиб ўтди. Унда 500 дан зиёд иштирокчи, жумладан, кенгашга аъзо давлатлар савдо-саноат палаталари раислари, юқори даражадаги ҳукумат вакиллари, аъзо мамлакатлардан ишбилармонлар иштирок этди.

Форум туркий дунё ишбилармон доиралари ўртасидаги ало-

қаларни мустақамлаш учун муносабатларни яратишга, Ўзбекистон ва туркийзабон давлатлар ўртасида тадбиркорлик, савдо, инвестиция ва туризм соҳаларидаги ҳамкорлик истиқболларини муҳокама қилишга қаратилди.

Тадбир давомида иштирокчилар Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, жумладан, иқтисодиёт ва валюта бозорини либераллаштириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, бизнесни қўллаб-қувватлаш, кичик ва ўрта бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, мамлакатнинг инвестициявий ҳозибадорлигини ошириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар билан танишди.

Меҳмонлар Ўзбекистонда иқтисодиёт ўсишининг ижобий суръатини таъкидлаб, ҳукуматнинг иқтисодиётни эркинлаштириш, хорижий сармоядорлар учун зарур шарт-шароит яратиш борасидаги саъй-ҳаракатини юқори баҳолади.

Инвестиция ва бизнес форуми доирасида, шунингдек, туркийзабон давлатлар ишбилармон доиралари иштирокида «B2B» форматдаги учрашувлар бўлиб ўтди. Мулоқотлар давомида томонлар мамлакатларо муносабатларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини, аввало, савдо-иқтисодий ва инвестициявий соҳаларда, хусусан, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, фармацевтика, қишлоқ хўжалиги, озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариши йўналишларидаги ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилди.

Форум туркий дунё ишбилармон доиралари ўртасидаги ало-

қаларни мустақамлаш учун муносабатларни яратишга, Ўзбекистон ва туркийзабон давлатлар ўртасида тадбиркорлик, савдо, инвестиция ва туризм соҳаларидаги ҳамкорлик истиқболларини муҳокама қилишга қаратилди.

Тадбир давомида иштирокчилар Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли ислох

ОИЛА – МУҚАДДАС ҚЎРҒОН

Маълумки, бугунги кунда бутун мамлакатимизда бўлганидек, Тошкент шаҳрида ҳам оилалар фаровонлигини ошириш, уларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш борасида кўплаб ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг Олий Мажлисиغا Муражаатномасидан келиб чиқадиган энг муҳим йўналишлар ва устувор вазифаларнинг III-бўлими Ижтимоий соҳада белгиланган 9 та вазифада ҳам аҳоли турмуш даражасини ҳамда оилаларнинг даромадини ошириш, хотин-қизлар ва ёшларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш каби муҳим топшириқлар белгилаб берилган.

Мазкур топшириқлар ижроси юзасидан шаҳар Хотин-қизлар кўмитаси томонидан "Тошкент шаҳрида оилалар мустақамлигини таъминлаш, никоҳдан ажратиш ҳолатларининг олдини олиш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар режаси" тасдиқланиб, ижросига катта эътибор қаратилмоқда. Тошкент шаҳрида жами оилалар сони 784 895 тани, шундан ёш оилалар сони – 206 751 тани ташкил этади.

Жорий йилнинг ўтган 6 ойи давомида шаҳаримизда мазкур йўналишда бир қатор амалий тадбирлар олиб борилганини таъкидлаш жоиз.

Жумладан, 11 та туман маҳаллаларида фаолият олиб бораётган хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий кадрларни мустақамлаш бўйича мустақамлаш учун Хотин-қизлар кўмитаси ва "Оила" маркази билан ҳамкорликда семинарлар ўтказилди. Бундан ташқари, уйма-уй юриш орқали ажрим ёқасига келиб қолган оилаларни аниқлаш, бу ҳолатларнинг келиб чиқиши сабабларини ўрганиш ва уни

бартафат этиш юзасидан ўқувлар ташкил этилди.

Шунингдек, оилаларни яраштириш бўйича диний, психологик, ҳуқуқий ёрдамлар кўрсатиш мақсадида ҳар бир маҳаллага психолог ва отиноиллар бириктирилди. Улар ёрдамида ҳар бир маҳаллада мавжуд ажрим ёқасидаги оилаларнинг рўйхатлари шакллантирилди. Жорий йилнинг 6 ойи ҳолатига бу тоифадаги оилалар 1041 тани ташкил этмоқда. Бу оилалардаги мавжуд ҳолатларни ўрганиш ва таҳлил этиш ҳамда тушунтиришлар олиб бориш натижасида улардан 498 таси яраштирилди. Бу оилаларда тарбияланаётган 697 нафар вояга етмаган фарзандларнинг манфаати ҳимоя қилинди.

Бирок, олиб борилган таҳлиллар кейинги 2 йил давомида никоҳдан ажрашиш ҳолатларининг ошириб бораётганлигини кўрсатмоқда.

Жорий йилнинг март ойидан бошлаб туман ФХДЭ бўлимлари қошида "Бўлғуси келин-куёвлар инновацион мактаби" ташкил этилиб, ўқувлар йўлга қўйилди. Бугунгача бу мактабларда ўқитилган жами 906 нафар никоҳланувчи ёшларга сертификатлар топширилди. "Оила" маркази Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан уларнинг келгуси ҳаёти юзасидан мониторинг олиб борилмоқда.

2019 йилнинг 10-11-12 июль кунлари "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан "Бўлғуси келин-куёвлар инновацион макта-

би"нинг туман инновацион психолог-тренерлари учун тренинг бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази директори ўринбосари Д.Алимжанова иштирок этиб, фикр-мулоҳазаларини билдирди. Семинар-тренингни биринчи кунда бошқарма психологи Д.Ходжимухамедованинг "Иштирокчилар билан интерактив танишув", "7-кадрият технологияси", С.Юлдашевнинг "Бўлғуси келин-куёвлар учун психологик тренинг ўтиш услубиёти", В.Эрметованинг "Тренерлик маҳорати. Тренер учун муҳим бўлган компетенция", Б.Рўзиева ва Ф.Рашидовнинг "Ўзбекистон Республикаси Оила кодексини", Ф.Қўшбоевнинг "Оила институтини мустақамлашда диний кадрларни ўрни" мавзулари тинланди.

Бундан ташқари, оила иқтисоди, оилани иқтисодий эҳтиёжларини қондириш йўллари, ёш оилаларга белгиланган имтиёзлар, оила институтини мустақамлашда маънавий-ахлоқий кадрларнинг ўрни. Шарқ мутафаккирларининг маънавий меросида оила, фарзанд тарбияси масалалари. Замонавий оилаларда миллий қадриятларнинг, урф-одат ва аъёнларнинг ўрнига бағишланган мавзулари иштирокчилар эътиборига ҳавола этилди.

Шу ўринда никоҳдан ажрашиш ҳолатларининг олдини олиш юзасидан қуйидаги тақлифларни бериб ўтмоқчиман: "Оила" маркази томонидан ажрашишга олиб ке-

лувчи сабабларни илмий жиҳатдан чуқур ўрганиш, ўзаро келишмовчиликлар бўлаётган оилаларни таҳлил этиб, муаммонинг туб илдизини аниқлаш, натижасига қараб манзилли ҳаракатларни амалга ошириш; "Маҳалла" ва Хотин-қизлар кўмиталари томонидан маҳаллаларга бириктирилган психолог, ҳуқуқшунос ва отиноиллар ҳамкорлигида турли сабабларга кўра, қизлик ўйига араблаб кетган келинларнинг аниқ вақтини қайд этган ҳолда рўйхатини шакллантириш, судга ёки ФХДЭ бўлимига ажрашиш учун ариза бергунга қадар яраштиришнинг барча чораларини кўриш; ажрим масалалари юқори бўлган маҳаллаларда "Қайноналар кенгаши" ва "Яраштириш комиссияси" аъзолари учун медиация ва оилалар билан ишлаш, этик қоидалари бўйича амалий машғулотлар ташкил этиш; Ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар Кенгаши билан ҳамкорликда турмуш қуриш ёқида бўлган ёшларнинг аниқ рўйхатлари асосида манзилли равишда улар ўртасида "Оила – муқаддас" мавзусида инновацион гоғлар асосида тадбирлар ташкил этиш; никоҳдан ажрашиш учун судга ёки ФХДЭ бўлимига ариза берган оилалар билан имомхатиб, отиноий, психолог, ФХДЭ ходими ва бошқа мутахассислар сўхбатларини ташкиллаштириш ва аризасини қайтариш чораларини кўриш.

Бу масалаларнинг муҳимлиги даражаси нафақат оилалар мустақамлигини таъминлаш, балки келгусида уларда тарбияланаётган фарзандларнинг таълим-тарбия олиши, қаровсиз ёки ўй-жойсиз қолиши ҳолатларининг энг кам сонини белгилаш ва захирга қўйиш тартибин янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил 15-сон 156-модда", Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сонли қарори билан тасдиқланган "Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорига тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирга қўйиш тартибин янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Низомга (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил 12-сон 283-модда), Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг "Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг қўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ва грантлар ажратиш тўғрисида Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги (АВ рўйхат рақами № 3163-сон, 31.05.2019 й) буйруғига мувофиқ, Юнусобод туманида истиқомат қилувчи ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун 2020 йилга мўлжалланган банд қилиниши керак бўлган иш ўринлари сонини ва уларга қўйиладиган талабларини белгилаш бўйича туман маҳсус комиссиясининг 2019 йил 27 августдаги 2542-сонли баёнини инобатга олиб,

ШОҲИДА ШАМУТАЛОВА,
"Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ – ЖАМИЯТ КЎЗГУСИ

Пойтахтимизда Ўзбекистон кўзи оғизлар жамиятининг XVIII қурултойи олдидан "Ўзбекистон кўзи оғизлар жамияти: кеча ва бугуннинг таҳлили, ривожланиш истиқболлари" мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Унда мамлакатимизда ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш масаласига эътибор қаратилаётгани, бу борада ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатлар амалиётга самарали татбиқ этилаётгани таъкидланди.

Бугунги кунда ЎзҚОЖ тизимида 178 та маҳаллий бўлинма, 14 ҳудудий бўлим, 1 та Марказий бошқарув, 46 та ўқув-ишлаб чиқариш корхоналари маъсулияти чекланган жамиятлар, ҳудудий бошқарувларга қарашли 30 та шўба корхоналар, 1 та сийҳатгоҳ, 2 та дам олиш маскани, 3 та ёрдамчи хўжалиқлар, "БИР САФДА" журнали таҳририяти ҳамда маданий муассаса сифатида фаолият юритувчи "Санъат гулшани" маъсулияти чекланган жамияти қабиладар фаолият юритаётган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги тизимида 103 та маҳсус кутубхоналар, 30 та маданият ва аҳоли дам олиш марказлари бундай инсонлар учун хизмат қилмоқда. Ҳудудларда 2000 нафардан ортиқ кўзи оғиз болалар учун 12 та маҳсус мактаб-интернатлари фаолият қўрсатмоқда.

Тадбирда жамият фаолиятида эришилган ютуқлар сарҳисоб этилиб, мавжуд муаммолар ҳақида сўз юритилди. Ногиронлиги бор фуқаролар ҳаёти ва Ўзбекистон кўзи оғизлар жамияти фаолиятини маҳаллий оммавий ахборот воситаларида ёритилиши, кўриш бўйича ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари муҳофазасини таъминлашга қўмаклашиш, айна тоифа шахсларнинг таълим олиши, меҳнат билан бандлигини таъминлашга доир муаммолар кенг муҳокама этилди.

Орта қолган беш йилнинг кейинги уч йил даври мамлакатимизда ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масаласига давлат даражасида яна ҳам кучли эътибор қаратилаётганлиги ва шунга монанд равишда ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжат-

ларнинг амалиётга татбиқ этилиши билан гоғ аҳамият касб этмоқда. Президентимизнинг 2017 йил 1 декабрдаги "Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони билан тасдиқланган дастурда ногиронлиги бўлган шахсларнинг турмуш даражасини янада яхшилаш, уларнинг қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришга йўналтирилган бир қатор чора-тадбирлар белгиланган эди. Мамлакатимизда "ногирон" тушунчаси ўрнига "ногиронлиги бўлган шахс" атамаси илк бор қўлланган ушбу ҳужжат доирасида сўнгги йилларда бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Уларнинг ижросини таъминлашга алоҳида аҳамият берилмоқда.

— Юртимизда кўриш бўйича ногиронлиги бўлган шахсларнинг таълим олишида хали-ҳануз ечимини қутаётган муаммолар қўллаб-қоплаштириш, — дейди Ўзбекистон кўзи оғизлар жамияти марказий бошқаруви раиси Эргаш Нурпўлатов. — Маҳсус мактаб-интернатларда тахсил олаётган болалар учун ўқув қуроллари ва дарсликларнинг етишмаслиги таълим жараёнида бундай болаларнинг тўлақонли билим ва кўникмаларга эга бўлишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Ана шундай эҳтиёжларни назарда тутиб, кўзи оғиз болаларга ихтисослаштирилган маҳсус таълим муассасаларини ва жамият аъзоларини маҳсус Брайль ёзув приборлари ва ёзув гриффелари билан таъминлаш мақсадида Ўзбекистон кўзи оғизлар жамияти марказий бошқаруви ва жанубий Кореянинг "FREINDAZIA" ташкилоти ўртасида 39 минг АҚШ доллари миқдоридagi шартнома имзоланиб, 3000 донна худди шундай ўқув қуроллари Россия Федерациясидан харид қилиниб, уларнинг 2300 донаси ўқувчи-ёшларга етказиб берилди. Қолган 700 донаси эҳтиёжманд кўзи оғиз шахсларга тарқатилиши кўзда тутилмоқда.

Бундан ташқари, юқорида қайд этилган муаммоларни ҳал қилиш учун республика кўзи оғизлар босмаҳонаси томонидан таълим муассасаларига 75 номда ўқув дарсликлар нашр қилинди. Қарши шаҳридаги "Мавҳумот оламга маълумот" тифлоахборот мажмуаси томонидан кўзи оғизлар кутубхоналарига 106 номдаги брайльча адабиётлар етказиб берилди. "Санъат гулшани" МЧЖ овоз ёзиш студиясида тайёрланган 103 номдаги аудиокитоблар китобхоналар ҳуқмига ҳавола қилинди. Шундай бўлса-да, бу қилинган ҳаракатлар тўғрисида етказиб берилган маҳсус ўқув қуроллари, дарсликлар ва бадий адабиётлар кўришида нуқсон бўлган юртдошларимизнинг тўла-тўқис эҳтиёжини қондирмаётганлигини афсус билан айтиш керак. Келгусида жамият давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамда тадбиркорлар билан ҳамкорликда мамлакатимизда кўзи оғизларнинг таълим олиш жараёнида зарур бўлган тифловоситаларни тайёрлаш ва ишлаб чиқишни йўлга қўйиш, дарсликлар ва бадий адабиётлар ададини камида 2, 3 баробарга ошириш каби хайрли ишларни амалга ошириши лозим.

Тадбир давомида жамият мутахассислари маҳаллий ва ҳудудий ташкилотлар фаолиятида учраётган муаммоларга ҳам тўхталиб ўтишди.

Анжуманда Жамият Марказий бошқаруви раиси Э.Нурпўлатовнинг "Ўзбекистон кўзи оғизлар жамиятининг сўнгги 5 йиллик ямий фаолияти ва келажакдаги истиқболли режалар ҳусусида" ва ЎзҚОЖ Қашқадарь вилоят бўлими раиси Х.Пўлатовнинг "Ўзбекистондаги ногиронлиги бўлган фуқаролар, ҳусусан кўриш имконияти чекланган шахсларнинг умумжамиатга ижтимоий интеграцияси билан боғлиқ муаммолар ва уларнинг ечимлари" мавзуларида мавзузлар тинланди.

Зарина РУСТАМОВА



ЗАМОНАВИЙ ДУНЁДА КОМПЬЮТЕРНИНГ РОЛИ

Маълумки, компьютерлар бошланғич таълим ва энг янги технологияларни ўрганишдан тортиб, инсон фаолиятининг барча соҳаларига кириб борди.

Компьютер технологияларидан фойдаланиш ўрта ва олий ўқув юртыларида ўқувчилар учун ҳам, талабалар ва ишчилар учун ҳам ўзв жараёнини осонлаштирди. Дастурий таъминот ва техник воситаларнинг хилма-хиллиги тўғрисида бугунги кунда компьютер технологияларининг барча имкониятларидан фойдаланиш мумкин. Бу сизга минимал жой эгаллаш билан бирга катта ҳамда маълумотларни тезда қайта ишлаш ва уни ҳимоялашга имкон беради.

Шахсий компьютерлардан кенг фойдаланиш меҳнат бозорини ривожлантиришда катта роль ўйнайди. Ахборотга иллов беришни автоматлаштириш сизга бир неча ҳафта ичида йўқолган маълумотларни тиклаш имконини беради. Сурғурта ва мелиявий хизматлар соҳасидаги иқтисодий салоҳият хизматлар алмашинувининг қўлайлиги ҳисобига ортомқда. Иш ва меҳнатни ташкил этишнинг янги шакллари жорий этиш учун компьютер технологияларидан фойдаланиш янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш учун камроқ вақт талаб этилади, чунки ҳисоблаш жараёнига кўра вақт сарфлашнинг шарт эмас ва жараёни ўзи учун тўлиқ вақт ажратилишига мумкин.

Тиббиётда компьютер технологиялари катта роль ўйнайди барчага маълум. Каспикларнинг ривожланишига турли виртуал моделлар, улкан маълумотлар базалари яратилди, улар асосида даволаш учун янги дорилар иxtиро қилинди.

Компьютер бугунги кунда алоқа воситасига ҳам айланган. Ногиронлар учун бу баъзан нафақат алоқа қилишнинг ягона йўли балки замонавий технологиялар тўғрисида бундай одамлар ўзларини англаб етишлари ва ишга жойлаштириши мумкин.

Компьютер технологиялари тўғрисида ишлатилганда болаларнинг ақлий ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Таъкидлашчилик, болаларда дастур ва ўйинларни тўғри танлаш билан мантиқий фикрлашни ривожлантиради, кўзлар ва қўлларнинг мувофиқлашуви яхшиланади. Компьютердан фойдаланиш тахрибасига эга бўлган болада ўзига ишончи ривожланади ва у алоҳида ажралиб туради.

Бошқа томондан катта миқдордаги маълумотларга чексиз кириш баъзида компьютердан хаддан ташқари фойдаланиш, асосан Интернет ёки компьютер ўйинларига қарамликка олиб келади. Бу психологик ва жисмоний зарар етказиши. Компьютер ўйинларига хаддан ташқари қизиққан одамлар одатий алоқада салга асабий бўлишлари кузатилади. Ҳозирда ўйинларга қарамликни ривожлантирадиган ва одатдаги дунёда уларнинг эҳтиёжларини қондириш мумкин бўлмаганда, уларнинг кайфияти ёмонлашади, хавотир ва руҳий тушунқилиш ҳолатлари пайдо бўлади.

Шу сабабли меъёрида фойдаланиш соғлиққа ҳам фойдали эканлигини унутмаслик лозим. Техника асрида компьютерлардан умумий фойдаланиш ишмизини янада энгил қилади. Фарзандларимизга ахборот технологияларидан оқилона фойдаланишни ўргатиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Нигора ЛОҶИНОВА,
Гулноза КАМОЛХОНОВА,
Шайхонтоҳур туманидаги 34-мактабнинг информатика фани ўқитувчилари

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ДОИМО ҲИМОЯДА

Мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишда Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси марказининг ҳам алоҳида ўрни ва аҳамияти бор.

Сўнгги йилларда Республикада Президентини ва ҳукуматимиз томонидан ушбу марказ фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича бир қатор ҳужжатлар қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 13 апрелдаги "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда суд экспертларининг малакасини ошириш тизими-

ни ташкил қилиш тўғрисида"ги, Президентимизнинг 2019 йил 17 январдаги "Суд-экспертлик фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори шулар жумласидан.

Натижада 2019 йилда Мировод тумани, Фарғона йўли кўчасида Марказнинг янги замонавий ихтисослаштирилган биноси қад ростлади. Қўварлиси бинодо барча замонавий шарт-шароитлар асосида экспертларнинг самарали фаолият олиб боришлари учун имконият яратилган.

Марказнинг Жиззах, Навоий, Бухоро ва Наманган вилоят бўлиmlари янгидан ташкил этилиб, бўлиmlарда Суд-автотехника, Суд-қурилиш техник ва Суд-иқтисодий экспертиза йўналишлари фаолияти белгиланди. Шу билан бирга, Марказда суд экспертларининг малакаси ва ҳуқуқий билимларини ошириш бўйича ўқув маркази ташкил қилинди. Ўқув марказида ҳар йили 500 нафар суд эксперт ўзининг малака ва ҳуқуқий билимлар оширишмоқда.

Марказда янги экспертиза йўналишлари очилиши белгиланди, шунингдек, лабораториялар халқаро стандарт талабларига мослаштирилди.

Марказ ходимларининг Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг тасдиқланган разрядларига кўра лавозим маошини белгилашда тариф коэффициентлари бир ярим баробар миқдорда қўлланилмоқда. Ҳозирда ҳукумат томонидан ажратилган маблағ доирасида зарур асбоб-ускуналар ва мебель жиҳозларини харид қилиш юзасида ташкилий тадбирлар ҳам амалга оширилмоқда.

Эътироф этиш керакки амалга оширилаётган ишлар соҳанинг янада тараққий этишига хизмат қилади.

Толибжон ОРЗМБЕВ,
Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази директори ўринбосари

Юнусобод тумани ҳокимининг ҚАРОРИ

ЮНУСОБОД ТУМАНИДА ИЖТИМОЙ МУҲОFAЗАГА МУҲТОЖ, ИШ ТОПИШДА ҚИЙНАЛАЁТГАН ВА МЕҲНАТ БОЗОРИДА ТЕНГ ШАРТЛАРДА РАҚОБАТЛАША ОЛМАЙДИГАН ШАХСЛАРНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ УЧУН ИШ ҲИМОЯСИНИ ТАЪМИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонуннинг 17-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 1998 йил 5-6-сон 97-модда), Ўзбекистон Республикаси "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонун (янги таҳрирининг 25-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 2008 йил 7-сон 353-модда), Ўзбекистон Республикаси "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуннинг 8-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 2008 йил 4-сон 190-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Аҳолини бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2007 йил 6 апрелдаги ПҚ-616-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил 15-сон 156-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сонли қарори билан тасдиқланган "Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорига тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирга қўйиш тартибин янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Низомга (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил 12-сон 283-модда), Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг "Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг қўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ва грантлар ажратиш тўғрисида Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги (АВ рўйхат рақами № 3163-сон, 31.05.2019 й) буйруғига мувофиқ, Юнусобод туманида истиқомат қилувчи ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун 2020 йилга мўлжалланган банд қилиниши керак бўлган иш ўринлари сонини ва уларга қўйиладиган талабларини белгилаш бўйича туман маҳсус комиссиясининг 2019 йил 27 августдаги 2542-сонли баёнини инобатга олиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Юнусобод туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун тумандаги 235 та ташкилотларда аҳолининг қуйидаги тоифалари учун жами 1212 та иш ўринлари банд қилиб қўйилсин:

13 ёшгача ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ҳамда кўп болали ота-оналар учун – болаларни тарбиялаш ва меҳнат мажбуриятлари бўйича вазифаларни ўйунлаштириш имконини берадиган, ўзарувчан иш жадвалига эга бўлган иш ўринлари; – 14,7 % – 179 та;

Умумий ўрта маҳсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилар учун – уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари; – 66,1 % – 802 та;

Сафарбарлик қачирқил захирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан мудатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун – уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари; – 7,5 % – 91 та;

Ногиронлиги бўлган шахслар учун – меҳнат шартинлари бўйича аттестациядан ўтказилган ҳамда ҳодимга иш жараёнларини тўқсиклини қилиш имконини (соғлигининг аҳоли ва меҳнат фаолиятига нисбатан белгиланган иш қўрсаткичлари ҳисобга олинган ҳолда) берадиган иш ўринлари; – 3,3 % – 40 та;

Пенсия олди ёқидаги шахслар учун – маҳсус малакани талаб қилмайдиган иш ўринлари; – 3,4% – 42 та;

Жазони икром этиш муассасаларидан ёқи суднинг қарорига кўра тиббий тўсдаги мажбурият чоралари қўлланилган шахслар учун – уларнинг касб бўйича тайёргарлик ҳисобига олинган ҳолдаги иш ўринлари, муайян касб-ҳунарга, малакага эга бўлмаган шахслар учун – маҳсус малакани талаб қилмайдиган иш ўринлари; – 4,7 % – 58 та;

Одам савдоси қурбонлари учун – уларнинг касбий тайёргарлиги ҳисобига олинган ҳолда ёқи маҳсус малакани талаб этмайдиган иш ўринлари характерли талабларга мувофиқ бўлган меҳнат шартинларини таъминлайдиган иш ўринлари; – 1,7 % – 1 та;

2. Юнусобод туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини 2020 йил учун банд қилиб қўйиш лозим бўлган ташкилотлар рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Иш ўринларини банд қилувчи ташкилотлар раҳбарларига:

ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни иш билан таъминлаш учун 2019 йил якунлаштирилган 10 кун олдидан банд қилинган иш жойлари умумий миқдорининг камида касб бўйича учун, 2020 йилнинг 10 январидан кечикмай иш жойларининг қол

АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ БАҲОЛАШДА КУЗАТУВЛАРНИНГ ЎРНИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида "Аҳоли турмуш даражасини баҳолашда танланма кузатувларнинг ўрни" мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Анжуманда республикада аҳолисининг турмуш даражаси ва фаровонлигини ўрганиш мақсадида давлат статистика органлари томонидан ҳар йили уй ҳўжаликларидан танлама усулда кузатувлар ўтказилиши таъкидланди. Ҳозирда, уй ҳўжаликларидан кузатув ўтказиш усули бўлиб Жаҳон Банки ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Европа Иқтисодий комиссиясининг тавсиясига асосланган. Мамлакатимизнинг барча ҳудудда бир йилда жами 10 000 та уй ҳўжалигида кузатув ўтказилди.

Бундай кузатувнинг мақсади аҳоли даромади ва ҳаражатининг таркибини аниқлаш, озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмоли, яшаш шaroитлари, бандлиги, соғлиги, таълим даражаси ва бошқа маълумотларини йиғишдан иборат. Шунингдек, истеъмол нархлар индекси (ИНИ) ҳисоблаш учун уй ҳўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олиши ва умумий ҳаражатлари таркибини шакллантириш ҳамда ҳукуматга уй ҳўжаликлар турмуш тарзи даражасини таҳлил қилиш учун доимий ва ишончли маълумотлар билан таъминлаш мақсадида мазкур кузатувлар олиб борилади.

Халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни яхшилаш ва ишончли статистика маълумотлар билан таъминлаш учун 2018 йил давомида ЮНЕСКО ва Халқаро электралоқа иттифоқининг сўровига асосан аҳолининг саводхонлиги, таълим даражаси ҳамда уй ҳўжаликларининг АКТ воситаларидан фойдаланиш, улашиш имкониятлари бўйича саволномалари тўлдирилган ҳолда тақдим этилган.

Жумладан, 2018 йил уй ҳўжаликлар кузатуви натижаларига қўра, Интернет тармоғига улашиш имко-

нияти мавжуд уй ҳўжаликларининг 80,9 фоизини ташкил этди. Интернетдан фойдаланувчи 10 ёш ва ундан катта шахсларнинг улуши 55,2 фоизни, улардан эркаклар 60,4 фоизни, аёллар эса 50,2 фоизни ташкил этмоқда.

Кузатув саволномаси бўйича сўров ўтказиш дастури уй ҳўжаликларининг демографик хусусиятлари ва таълим даражаси, турар-жой шaroитлари, коммунал хизматлар билан таъминланганлиги, ўқувчи фаолиятини юритиш шaroитлари, оиланинг умумий даромадлари ва тушувлари манбаларини ўрганади. Шунингдек, ишлаб чиқариш фаолияти, имтиёзлар, ноистеъмол ҳаражатлар ва тўловлар, узоқ муддат фойдаланиладиган буюмлар билан таъминланганлиги, уй ҳўжаликларидан муқобил энергия манбаларининг мавжудлиги ва уй ҳўжаликларидан АКТ воситаларидан фойдаланиш имкониятлари мавжудлигини аниқлайди.

Матбуот анжуманида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан 2015 йилда қабул қилинган 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасида кун тартибига БМТга аъзо давлатлар қаторида Ўзбекистон қўшилганлиги тўғрисида маълумот берилди. Ушбу кун тартиби ўз ичига глобал даражадаги 2030 йилгача эришиши лозим бўлган 17 та мақсад ва 169 та вазифаларни қамраб олади.

Барқарор ривожланиш соҳасидаги амалга ошириладиган ҳаракат режаси инсонлар, сайёраимиздаги барча тирик жонотлар манфаати йўлида уларнинг фаровонлиги ва равақ топшишга хизмат қилади. Шу ўринда барқарор ривожланиш мақ-

садларининг асосий тамойилларидан бири ҳеч қандай қандайдир мақсадга эришиш учун ҳар бир шахснинг ёши, жинси, ижтимоий ҳолати, миллатидан қатъий назар барчага тенг имкониятлар яратиш ҳисобланади.

Тадбирда бу борада республикада амалга ошириладиган ишлар тўғрисида ҳам тўхталиб ўтилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги 841-сон қарори билан 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасида 16 та миллий мақсад ва 125 та вазифа таъкидланганлиги ҳамда жорий йилда тегишли вазирлик, идоралар ва БМТ агентликларининг биргаликда ишлаб чиқилган 206 миллий индикаторлар тасдиқланганлиги таъкидлаб ўтилди. Барқарор ривожланиш мақсадаларига эришишни мониторингни юритиб бориш мақсадида БМТ тарафидан дастури кўмағида алоҳида веб-сайт ишлаб чиқилди ва ишга туширилди.

Шу билан бирга бу борада амалга ошириладиган ишлар келгусида халқаро экспертларни жалб қилган ҳолда давом эттирилиши айтиб ўтилди.

Матбуот анжумани якунида давлат статистика органларида амалга ошириладиган ишлардан кўзланган асосий мақсад мамлакатимизда бўлаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар ва ислохотлар тўғрисидаги очик ва ҳаққоний маълумотларни халқаро ташкилотларнинг маълумотлар базалари ҳамда етакчи халқаро рейтингларда акс эттирилишини таъминлаш эканлиги алоҳида эътироф этилди.

Зиёда РАСУЛОВА

ОНА ТАБИАТНИ БИРГАЛИКДА АСРАЙЛИК

Ўзбекистон экологик ҳаракати Тошкент шаҳар ҳудудий бўлини маси ҳамда Экоҳаракат Яққасарой тумани партия ташкилоти билан ҳамкорликда куз мавсумидаги ҳазонрезгилик муаммосига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

Тадбирда Экоҳаракат Марказий Кенгаши ижроия қўмитаси ва Тошкент шаҳар ҳудудий бўлини маси, Яққасарой тумани партия ташкилоти ҳодимлари, шаҳар Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси, шаҳар ДСЭНМ, "Махсустрас", ободонлаштириш ҳодимлари ҳамда аҳоли иштирок этди.

Ушбу тадбирни ўтказишдан асосий мақсад экологик муаммоларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишда аҳоли билан давлат органлари ҳамкорлигини кучайтириш ҳамда кенг жамоатчилик кўмагини шакллантиришдан иборатдир.

Тадбирда мавсумий экологик муаммолардан ҳисобланган ҳазонларни ёқиш ва инсон саломатлиги ҳамда атмосфера ҳавосига зарарли таъсири юзасидан иш-тироқчиларга маълумотлар берилди.

Куз келиши билан дарахт барглари сарғайиб, тўкила бошлади. Бу фаслда ҳазон ва шох-шаббалар кўпайиб, афсуски уларни ўзбошимчилик билан ёқиш ҳоллари учрайди. Қуриган шох-шаббалар, барглари, ўтлар ҳар қил чикиндиларни ёқиб юборганда захарли ва канцероген моддалар ажралиб, ҳаво таркибини бузиб, турли хилдаги аллергия, астматик ва ўсма касалликларини келтириб чиқаради. Нохуш экологик вазият туфайли келтирилган касалликлардан бири бронхит астма тиббиётда долзарб муаммодир. Ушбу касалликларнинг келиши чикиндилар ҳазонларни ёқиш натижасида чиқётган зарарли газлар ҳам сабаб бўлмоқда.

Мутахассислар томонидан инсон соғлиги кўп жиҳатдан унинг ўзига боғлиқлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Атроф-муҳит муҳофазаси аҳоли саломатлигини сақлашнинг асосий омилли ҳисобланади.

Тадбир давомида мутасадди давлат органлари томонидан қанчалик экологик муаммоларнинг олдини олиш ва бартараф этиш юзасидан олиб бориладиган ишлар, тарғибот-таъшиқот тадбирлари, ҳуқуқий таъсир чоралар юзасидан батафсил маълумот берилди.

Юртимиздаги экологик мувоzanатни сақлаш учун ҳазон ҳамда шох-шаббалар, чикинди уюмларини ёқишга йўл қўймасдан ўз вақтида олиб чиқиб кетиш ва компостлаш, қўмиш чора-тадбирларини кўриш керак. Ҳазонларни йиғиштиришда барчамиз бирдек фаол қатнашсак она табият ва ўз саломатлигимизни асраб-авайлаган бўламиз.

Нозим БҲУРОНОВ

"101"

УЙ-ЖОЙЛАРИМИЗНИ ЁНГИН ОФАТИДАН САҚЛАЙЛИК!

Ҳаётда содир бўладиган дахшатли фалокатлардан бири шубҳасиз ёнгин. Ҳар биримиз ҳаётда оловдан фойдаланамиз, лекин ҳамма ҳам оловдан тўғри фойдаланишни билвермайди.

Агар биз кундалик турмушимизда содир бўлаётган ёнгинларни таҳлил қиладиган бўлсак, аксарият ҳолларда ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя этмаслик, ёш болаларга бепарволик билан қараш оқибатида юзага келаётганига гувоҳ бўламиз. Кўпчилик фуқаролар уйларида электр тизимини ўзлари билганича хавфсизлик қоидаларига риоя қилмасдан таъмирлашади. Худди шундай ҳолатларни корхона, ташкилот, аҳоли турар жойларида ҳам учратиш мумкин. Шунинг учун ёнгин хавфсизлиги бўлими ҳодимлари сизлардан эътиборли бўлишингизни сўраб қолади.

Ислом САРСЕНОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси биносини ёнгиндан муҳофаза қилувчи ЕХБ кичик инспектори, сафдор

Ёнгин нафақат фуқаролар хонадонлари балки иншоотлар ҳамда халқ ҳўжалигига катта моддий зарар етказиши мумкин. "Тилсиз ёв" бир неча дақиқа ичида жуда катта миқдордаги халқ бойликларини ёндириб, қулга айлантиради.

Ёнгин вақтида ажралиб чиқадиган тўтун карбонат ангидрид ва бошқа зарарли ҳид ва газлар кўп миқдорда атмосферага кўтарилиб, хавонинг таркибини бузиши, ишлаб чиқариш хоналарида ёнғичи моддаларнинг микдорини камайтириш учун энг асосийси технологик жараёнларда ҳосил бўладиган ёнғичи чикиндилардан ўз вақтида тозалаб туриш мумкин. Ёнгин хавфсизлигини таъминлашда белгиланган қоидаларга амал қилишни унутманг.

Махсуд АБДУЛЛАЕВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси биносини ёнгиндан муҳофаза қилувчи ЕХБ катта инспектори, подполковник

Ёнгин хавфсизлиги бошқармаси томонидан белгиланган режа асосида пойтахтимиз ҳудудидagi ёнғичи қарши сув таъминоти хоналарини ахшиллаш, содир бўлган ёнғичи сув манбаларидан узулсиз фойдаланишни таъминлаш, корхона ва ташкилотлар ҳамда аҳоли яшаш жойларидаги носоз ҳолдаги сув гидрантларини аниқлаш, ишчи халқатга келтириш мақсадида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Бу борада маҳаллалар ҳудудида 14 та ёнғичи қарши сув ҳовузалари ва 10157 та ер ости сув қувурлари обдон текширилди ҳамда аниқланган 528 носоз холга келган гидрантлардан 147 таси жойида таъмирланди. Текширувлар жараёнида аниқланган камчиликлар юзасидан масканлар раҳбарлигига керакли тавсиялар берилиб, келгусида ёнгин билан боғлиқ бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш ва белгиланган қоидаларга амал қилиш зарурлиги таъкидланди.

Шунингдек, ҳодимларимиз томонидан маҳаллаларда олиб бориладиган профилактик тадбирлар ҳамда ёнғичи қарши ҳолатларни ўрганишлар давомида ёнгин ўчириш автоматбилларининг эркин ҳаракатланишига тўсқинлик қиладиган сунъий тўсиқлар аниқланди ва олиб ташланди.

Муслима РАҲИМОВА, Тошкент шаҳар ЕХБ катта муҳандиси, майор

Кўп ҳолларда ёнғичиларни келиб чиқишига ўзимиз сабабини бўлиб қоламиз. Бепарволигимиз оқибатида эса кўпгаданоқ хавфликлар келиб чиқади. Бу каби нохуш ҳолатларнинг аксарияти ўз навбатида ёнгин хавфсизлиги ҳодимлари томонидан бартараф этилмоқда.

Сергак, эътиборли инсон ҳар қандай шaroитда ҳам вазиятни тўғри баҳолайди. Бунда эса ёнгин чикинди билан боғлиқ кўнглисиз вазиятлар камайтиришга эришиш мумкин.

Пойтахтимиздаги ўқув қўрағонларида бу борада суҳбат ва учрашувлар уюштирилмоқда, факултода ҳолатларда захира чикинди йўллари ўрганиш бўйича машқлар ўтказилмоқда. Ёнгин хавфсизлиги қоидалари талабларини янада кенгроқ тарғиб қилиш мақсадида Викториналар ҳамда танловлар ташкил этилди. Бундай тадбирларни ўтказишдан асосий мақсад ёнгинларнинг олдини олиш, ёшларга қоидаларни мукамал ўргатиб боришдан иборат.

Биноларда ёнгин хавфсизлигини таъминлаш мумкин масалалардан биридир. Ташкилотларда барча ишлаб чиқариш, ёрдамчи ва ишлаб чиқариш ёнғичи хавфсизлигига жаобвара шахс ташкилот маъмуриятининг бўйруғига асосан таъминланиши лозим.

Диляра ХАДРАЛИЕВА, Ўзбекистон халқаро анжуманлар саройини ёнгиндан муҳофаза қилувчи ЕХБ инспектори, лейтенант

Пойтахтимиз ёнгин хавфсизлиги ҳодимлари томонидан аҳоли турар жойларининг ёнғичи қарши ҳолати текширилиб, фуқаролар ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Афсуски, кўп чора-тадбирлар қўлланилмасин ёки фуқаролар билан профилактик ишлар ўтказилмасин натижа паслигича қолмоқда.

Содир этилаётган ёнғичилар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, улар фуқароларнинг турар жойларида ёнгин хавфсизлиги қоидаларига амал қилмаслик, яъни газ ва электр жиҳозларидан нотўғри фойдаланиш, маст ҳолда тамаки чекиш, болаларни назоратсиз қолдириш, ўт-ўланларни ёқиб юриш каби бепарволиклар натижасида ҳосил бўлмоқда. Бепарволик – талафотларга олиб келади. Шундай экан, ҳар бир фуқаро ёнғичини келиб чиқишига сабаб бўладиган ҳолатларнинг олдини олиш муҳимлигини сира унутмасликларини лозим.

Умид ЮЛДАШЕВ, Тошкент шаҳар ЕХБ катта муҳандиси, майор

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ. Кундузи – 24-26 даража ишқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига қўра, 9 октябрда Тошкент шаҳри ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифлосланиш даражаси паст бўлади.

ТИЗИМЛИ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

Мамлакатимизда жиу-житсу спорт турини ёшлар орасида кенг оммалаштириш борасида бир қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Шу жумладан, кўни кеча Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институтида "Жиу-житсу спортини ёшлар орасида янада оммалаштиришнинг истиқболли режаси" мавзусида Ўзбекистон Жиу-житсу федерацияси томонидан семинар-тренинг ташкил этилди. Тадбир аввалида Ўзбекистон Жиу-житсу федерацияси раҳбариятидаги ўзгаришлар билан таништириб ўтилди.

Йиғилиш давомида Федерация раиси ўринбосари, "Шуҳрат" медали соҳиби К.Усмонов тадбирдан асосий кўзланган мақсад федерациянинг ишларини янада жадаллаштириш ҳамда режага асосан бўлиб ўтадиган мусобақаларга тайёргарлик кўришларини таъкидлади. Шу билан бирга кўчли спортчиларни республикада бўлиб ўтадиган мусобақаларга олиб чиқиб, қўлиб бўлган спортчиларни нуфузли халқаро мусобақаларга тайёрлаш эканлигини кўшимча қилди.

Тадбир давомида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлида жавоб олдилар. Семинар-тренинг қизиган баҳс-мунозараларга бой тарзда кечди. Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари билан боғлиқ бир қатор истиқболли режаларнинг қабул қилинганлиги Ўзбекистон Жиу-житсу федерациясининг кейинги фаолиятида муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

(Ўз мухбиримиз)

НОҚОНУНИЙ МАҲСУЛОТЛАР МАНЗИЛИГА ЕТИБ БОРМАДИ

Халқаро почта ва курьерлик жўнатмалари орқали товарлар ҳам белгиланган тартибда божхона назоратидан ўтказилади.

Тошкент шаҳар божхона бошқармаси "Бош почта" ташкили иқтисодий фаолият божхона пости ҳодимлари юртимизга юборилаётган маҳсулотларни божхона назоратидан ўтказиш чоғида турли қонунбузарлик ҳолатларига чек қўйилмоқда.

Хориждан 55 нафар фуқаро номига юборилган оғир-

лиги 1120 килограмм бўлган почта жўнатмалари орасида декларацияда кўрсатилмаган умумий қиймати 40,5 миллион сўмлик салкам 200 донага яқин турли хилдаги кийим-кечаклар борлиги аниқланди.

Ҳозирда юқоридаги ҳолат юзасидан божхона органлари томонидан суриштирув ишлари олиб боришмоқда.

ПОЕЗДАДАГИ "ДРОН" ТЎХТАТИБ ҚОЛИНДИ

Мамлакатимизга тақиқланган товар моддий бойликларини ноқонуний йўллар билан олиб киришга бўлган уринишларга қарши боғишчиликлар самарали кураш олиб боришмоқда.

Жумладан, Тошкент шаҳар божхона бошқармасининг "Келес" темир йўл чегара божхона пости ҳодимлари томонидан мамлакатимизга кириб келган йўловчи поездининг йўловчилари божхона назоратидан ўтказилди. Текширув давомида хорижий давлат фуқароси А.О. вагон ўриндиқлари остига яширилган ҳолда, божхона ҳодимининг оғзаки сўровида маълум қилмасдан ва декларацияламадан учувчисиз учини аппаратини яши-

ринча мамлакатимизга олиб киришга уринганлиги аниқланди.

Ҳозирда мазкур ҳолат юзасидан божхона органлари томонидан суриштирув ҳаракатлари давом эттирилмоқда. Маълумот учун, жорий йил 2 май кўни қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги

ЎРҚ-534-сонли Қонуннинг 1-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 2444-моддаси билан тўлдирилган бўлиб, учувчисиз учадиган аппаратларни қонунга ҳилоф равишда олиб кириш, ўтказиш, олиш, сақлаш ёки улардан фойдаланиш бўйича жиноий жавобгарлик белгиланган. Мазкур Қонуннинг 1-моддаси 2019 йил 4 ноябрдан амалга киритилди.

Тошкент шаҳар божхона бошқармаси Ахборот хизмати

Реклама ва эълонлар / Реклама ва эълонлар / Реклама ва эълонлар

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 августдаги 686-сонли "Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳузуридаги Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан, Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти республика ҳукуматининг 2006 йил 10 февралдаги 20-сонли қарори билан тасдиқланган "Олий таълим муассасаларига педагог-ҳодимларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низоми"га мувофиқ "Макроиктисодий статистика ва миллий ҳисоблар" кафедраси бўйича – катта ўқитувчи ЛАВАЗИМИНИ ЭГАЛЛАШГА **ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ** Танловда юқорида қайд этилган Низомининг 7-банди талабларига жавоб берувчи педагог-ҳодимлар иштирок этишлари мумкин. Танлов муддати – эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой. **Танловда қатнашишни хоҳловчилар Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институтига (Тошкент шаҳри, Мустақиллик шох кўчаси, 426-уй) мурожаат қилишлари мумкин. Телефонлар: (71) 230-81-90, (71) 230-81-86.**

Тошкент шаҳри, Юнусобод туманидаги 327-умумтаълим мактаби томонидан 2004 йилда Алиева Шахноза Фазлетдиновна номига берилган U № 0966550 рақамли шаҳадатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ** "Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси томонидан Режапов Маҳкамбой Закирович, Жуманиёзова Раъножон Собировна, Раҳимова Шоира Сатторовна, Давлетова Дилрабо Ёқубовна, Ражапова Шаҳодат Озодовна, Ражабова Дилфуза Озодовна, Курбанбоев Анвар Хайитбоевич, Байжанов Равшанбек Рустамович, Жуманиёзова Кундузи Абдушариповна, Салиев Абдумалик Фарходжон ўғли, Матрасулов Нодирбек Одилбоевич, Хайдарова Ханифа Хожиабаровна номларига Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Имом Ат-Термизий кўчаси, 51-уй, 56-хонадон учун берилган уй план кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Юнусобод тумани кадастр хизмати томонидан Юнусобод тумани, 4-мавзе, 12-уй, 31-хонадон эгаси Аҳмедов Жасурбек Валиевич номига берилган уй план кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ** "Яққасарой тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси томонидан Яққасарой тумани, А.Авлоний кўчаси, 62-уй учун Садиқова Насиба Абиджановна ва Садиқов Абдулла Махмудович номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ** "Seeyam International Ltd." чет эл ваколатхонаси бош вакили HASHIMI S MOHAD QASEM (паспорт АFG № 00747958 KABUL CENTRAL PASSPORTS DEPARTMENT MOI) Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазилиги томонидан берилган № 00006405 рақамли амал қилиш муддати 01.05.2019 дан 26.04.2020 гача бўлган аккредитация картончаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**